



133

2017 у.г. «6» мачи

№ 1018-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман МЧ “Мотрит-агротехсервис” агрофирмаси худудидан Самарқанд вилоят хокимлиги Инжиниринг компаниясига хайвонот боғи(зоопарк) қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 14-15 апрел кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва Вилоят хокимининг 2017 йил 22 апрелдаги кенгайтирилган тарзда ўтказилган баённомаси, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастуридаги вазифаларни ижросини таъминлаш ҳамда туман хокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш қарорномаси ҳамда Самарқанд вилоят хокимлиги Инжиниринг компаниясининг 2017 йил 01 майдаги ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 3-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 14-15 апрел кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва Вилоят хокимининг 2017 йил 22 апрелдаги кенгайтирилган тарзда ўтказилган баённомаси амалга ошириш ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Самарқанд вилоят хокимлиги Инжиниринг компаниясига хайвонот боғи(зоопарк) қуриш учун МЧ “Мотрит-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 145 контуридан олиниши ва унинг майдони 15,0 га (шундан: 15,0 га ижтимоий бино ва ховли) ер майдони ажратилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2018 йил 01 январ ҳолати ер балансида амалда бўлган ер участкаларини қайта баҳолаш тартиб-тартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Аслиев) ва туман Ер ресурслари бўлими (З.Олимов)га топширилсин.
4. Хайвонот боғи(зоопарк) қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳисобларини тайёрлаш Давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш вазифаси Самарқанд вилоят хокимлиги Инжиниринг компаниясига топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман хокими

Б. Кадиров.